

**ШОХРУХ МИРЗОНИНГ ХИТОЙ ДАВЛАТИ БИЛАН ОЛИБ БОРГАН  
ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИГА ДОИР**



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7335732>

**Хуршид Файзиев**  
Тарих фанлари номзоди  
Темурийлар тарихи давлат музейи

**Аннотация:** Мазкур мақолада Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзонинг Хитой давлати билан олиб борган элчилик муносабатлари, хусусан, давлатлар ўртасида дипломатик алоқалар, шунингдек, ҳар икки давлат ҳукмдорлари томонидан савдо ва элчилик муносабатларининг ривожланишида тўсик бўлаётган турли солиқ ва божсларнинг бекор қилинини каби масалалар тарихий манбалардаги ва илмий адабиётдаги маълумотлар асосида ёритилган.

**Таянч иборалар:** Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Абдураззоқ Самарқандий, Fuёсиiddin Наққош, Улугбек Мирзо, Бойсунгур Мирзо, Хитой, Ҳирот, Самарқанд, элчилик муносабатлари.

**CONCERNING ON EMBASSY RELATIONS OF SHAHRUKH MIRZO WITH CHINA**

**Fayziyev Khurshid Turghunovich**  
PhD of Historical Sciences  
The State Museum of the Temurid History

**Annotation.** The article summarizes embassy relations of Amir Temur's the fourth son Shahrukh with China, particularly, diplomatic relationship between two countries, and also issues regarding abrogation of taxes and customs which put obstacles in trade and embassy relations for both state rulers are elucidated with use of historical manuscripts and scientific literature.

**Keywords:** Amir Temur, Shahrukh Mirzo, Abdurazzaq Samarqandiy, Ghiyasiddin Naqqash, Mirzo Ulughbek, Baysunghur Mirzo, China, Herat, Samarqand, embassy relations.

XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиё ва Хитойда қудратли давлатлар ташкил топди. Мўғуллар истилосига барҳам берган Амир Темур минтақада кучли салтанатга асос солди. Бу даврда Хитойда ҳам мўғул ҳокимияти ағдарилиб, Мин сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди<sup>1</sup>.

Мазкур икки давлат ўз манфаати доирасида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилган. Амир Темур давлати билан Хитой ўртасида минтақалар ёки айрим ҳудудлар учун тўғридан-тўғри кураш бормай, ўзаро алоқалар асосан, иқтисодий-тижорий йўналишда олиб борилар эди. Соҳибқирон Амир Темур Хитой билан олиб борилган савдо-элчилик муносабатларига катта аҳамият бергани 1387 йили мазкур мамлакатга Мавлоно Ҳофиз бошчилигига элчилар юборилганида ҳам ўз ифодасини топади. Шунингдек, 1392-1394 йилларда Хитойга элчилар жўнатилганлиги маълум. Хусусан, хитой манбаларидан бири «Мин ши лу»да 1389-1398 йиллар мобайнида Амир Темур томонидан Хитойга тўққиз

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Улугбек и его время / Сочинения. - М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. - С. 67.

марта элчилик хайъати ташриф буюрганлиги қайд этилган<sup>2</sup>. Ўз навбатида, хитой томони ҳам Амир Темур салтанатига ўз элчиларини юборганилиги ҳақида ёзма манбаларда батафсил маълумотлар сақланиб қолган.

Ҳар иккала давлат орасидаги ўзаро алоқалар Темурийлар салтанатининг Шохрух бошқаруви даврида ҳам давом этган бўлиб, бу асосан элчилик алмашинувлари ва савдо карвонлари қатнови доирасида кечди. Манбаларда Шохрух Мирзо томонидан Хитой ҳукмдорига тухфа сифатида отлар юборилгани, ўз навбатида, Хитой подшоҳи ҳам Шохрух Мирзога атаб шунқорлар ҳадя қилгани ҳақида маълумот учрайди. Шунингдек, хитойлик элчилар маҳаллий хокимларга совға тариқасида кўплаб қимматбаҳо буюмларни ҳам келтирадар эдилар<sup>3</sup>.

Амир Темур вафотидан сўнг Хитой билан Темурийлар ўртасидаги сиёсий элчилик муносабатлари қисман турғунликни бошдан кечирди. Афтидан, бунга Амир Темур вафотидан кейинги Темурийлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар ўз таъсирини ўтказган.

Шохрух Мирзо салтанатдаги ички низоларни нисбатан бартараф этгач, чет давлатлар билан олиб борилган ҳалқаро муносабатлар ҳам қайта тиклана бошлади. Салтанатнинг янги пойтахти бўлган Ҳиротга жаҳоннинг турли мамлакатларидан элчилар кела бошлаган бўлса, ўз навбатида, Шохрух томонидан ҳам дунёнинг турли мамлакатларига элчилар жўнатилди.

Хитой императори Чжу-ди (1404-1424) Ҳиротга ўз элчиларини юбориб, Амир Темур вафоти муносабати билан Шохрух Мирзога таъзия изҳор этган. Шохрух Мирзо Хитой элчиларига юқори иззат-икром кўрсатиб, ўз юртига қайтишларига ижозат берган. Афсуски, Абдураззок Самарқандий мазкур элчилик фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бермайди, фақат «Ҳазрат хоқони Сайд улар борасида марҳамат ва иноятлар кўрсатиб, қайтиб кетишига ижозат буюрди», деб ёзади<sup>4</sup>.

1412-1413 йилларда Хитойдан Ҳиротга навбатдаги элчилик ташриф буюради<sup>5</sup>. Бу галги элчилик Шохрух Мирзо томонидан Боги Зағонда қабул қилинди. Элчиларни қабул қилиш маросими ўтгач, элчи Хитой императорининг ҳар иккала мамлакат ўртасида давом этиб келаётган дўстлик алоқаларини кучайтириш ҳақидаги мактубини топширди. Абдураззок Самарқандий ўзининг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида Хитой подшоҳидан Шохрух Мирзога юборилган мактубнинг мазмунини келтиради. Жумладан, ушбу мактубда Хитой элчиларини самимий ва илиқ кутиб олганлиги учун Шохрух Мирзога миннатдорлик билдирилиб, бу каби самимий дўстлик алоқалари Шохрух Мирзонинг отаси Амир Темур ва ўша даврдаги Хитой императори ўртасида ҳам бўлганлиги алоҳида таъкидланган. Элчилик орқали икки давлат ўртасида савдо-тижорат ишлари ривожланиши учун бундан буён икки томонлама алоқаларни ривожлантириб бориш таклифи берилади. Шунингдек, мактуб билан бирга, Хитой томонидан юборилган тухфаларнинг рўйхати ва “йўл хати” ҳам алоҳида алоҳида мактуб шаклида юборилган бўлиб, улар элчилар учун маҳсус битилган эди. Учала мактуб ҳам форс тилида бўлиб, айнан шу мактубларнинг ўзида мактуб мазмuni мўғул хати билан туркийда ва хитой тилида битилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Хитой подшоси томонидан юборилган мактуб мазмунида сиёсий масалалар ҳам қисман ўрин олган. Чунончи, мактубда Амир Темур ҳам ўша даврдаги Хитой подшоси билан дўстона муносабатда бўлганлиги, элчилар алмашиниб турганлиги, шу сабабли Хитойдаги ғарбликлар (яъни марказий осиёликлар)га яхши

<sup>2</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. – Шарқ нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. Тошкент-1996. - Б. 106.

<sup>3</sup> Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. – № 7. - Б. 46.

<sup>4</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳи лугатлар тарих фанлари кандидати А. Ўринбоевники. - Т.: Фан, 1969. ]. - Б. 124.

<sup>5</sup> Ўша жойда. - Б. 174.

муносабатда бўлинганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мактуб давомида мағлуб бўлган Халил Султонга шафқат ва марҳамат кўрсатиш таклифи илгари сурилади<sup>6</sup>.

Абдураззок Самарқандийнинг маълумотига кўра, Шоҳруҳ Мирзо мактубни ўқитиб эшитгандан сўнг, унинг «нозик» мазмунини ўткир фикр билан мулоҳаза қилган.

Шоҳруҳ Мирзо ҳам Хитой императорининг мурожаатига жавобан Хитойга навбатдаги элчиликни Шайх Муҳаммад Бахший бошчилигида юборган. Элчилар орқали Хитой подшосига Шоҳруҳ Мирзонинг араб ва форс тилларида битилган иккита мактуби тақдим этилди. Абдураззок Самарқандий асарида мазмуни ўрин олган мазкур мактубларда икки орада дўстлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатилиши, сайёҳ ва савдогарлар учун йўллар очиқ туриши лозимлиги ҳақидаги жумлалар ўрин олганди. Мазкур элчиликдан кузатилган мақсад Амир Темур даврида бўлгани каби ўзаро савдо-иктисодий масалаларни ривожлантириш ва Хитойда яшातган мусулмонларни кўллаб-кувватлаш эди.

1417 йили Ҳиротга Хитойдан навбатдаги элчилик ташриф буюради. Абдураззок Самарқандийнинг маълумотига кўра, мазкур элчиликка Би-Бочин ва Ту Бочинлар бошчилик қилган<sup>7</sup>. Улар Хитой подшоси томонидан Шоҳруҳ Мирзо номига битилган мактубни келтириб, унда ҳар икки давлат ўртасида савдо-элчилик муносабатларини ривожлантириш, йўллар бехатарлигини таъминлашда ҳамкорликка чақирилган эди.

Хитой томонидан билдирилган дўстлик ва ҳамжиҳатлик таклифида жавобан Шоҳруҳ Мирзо элчиларга қўшиб, ўз элчиси Ардашер тавочини Хитойга юборади. Юклатилган вазифани адо этган Ардашер Тавочи 1419 йили Ҳиротга қайтиб келади<sup>8</sup>. Мазкур элчи Хитой мамлакатларининг аҳволи, кўрган-кечирганлари ҳақида Шоҳруҳ Мирзога ахборот бериб, ўзи билан бирга хитой элчилари ҳам келганлиги ҳақида хабар беради. Афсуски, Ардашер Тавочининг Хитой подшоси билан *мулоҳоти ва у ерда қандай ишлар билан машегул бўлганлиги ҳақида маълумотлар сакланиб қолмаган*.

Хитой подшоси томонидан юборилган элчилар Пи Мочин ва Хон Мочин 1419 йилнинг куз ойларида Ҳиротга етиб келиб совға ва тортиқлар ҳамда мактуб тақдим қиласидилар. Бу галги юборилган мактублар ҳам уч нусхада бўлиб, уч тилда: форсча, уйғур хати билан туркийда ва хитой тилида битилган эди.

Хитой подшоси томонидан Шоҳруҳ Мирзога юборилган мактуб аввалида Шоҳруҳ Мирzonинг одил ва доно подшоҳ эканлиги, Хитой томонидан юборилган элчилар унинг томонидан иззат-икром ва ҳурмат қилинганлиги ва у томонидан юборилган тухфалар учун миннатдор бўлганлиги, Хитой подшоси томонидан Шоҳруҳ Мирзога тухфа тариқасида шунқорлар юборилаётганлиги баён қилинган.

Бу галги элчилик аввалгисидан ҳам кўп тухфалар билан келади ва келгусидаги элчилик муносабатларининг юқори паллага қўтарилишида ўзига хос замин яратади.

Хитой императорининг таклифида кўра, Шоҳруҳ Хитойга жуда катта элчилик карвонини йўллашга фармон беради. Юборилиши режалаштирилган элчиликка Шодихожа исмли шахс масъул қилинади. Бойсунқур Мирзо эса ўз номидан Султон Аҳмад билан Фиёсiddин Накқошни элчиларга қўшиб жўнатади. Иброҳим Мирзо эса ўз номидан Султон Амир Ҳасан ва Паҳлавон Жамолни, Суюргатмиш Мирзо эса Арқадоқни, амир Шоҳмалик эса Ўрдувонни, Бадахшон хукмдори Хожа Тожуддинни Хитой элчиларига қўшиб жўнатадилар.

Бойсунғур Мирзо Фиёсiddин Накқошни элчиларга қўшиб жўнатар экан, Ҳиротдан чиққандан то қайтиб келгунгача бўлган масофадаги ҳар бир шаҳар ва вилоятларда мавжуд йўлларнинг тавсифи, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, *хусусан, Хитой маданий ҳаёти ва*

<sup>6</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн... - Б. 174-175.

<sup>7</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн... - Б. 242.

<sup>8</sup> Ўша жойда. - Б. 257.

пойтахт Пекиннинг дикъатга сазовор маданий ва тарихий ёдгорликларини яқиндан ўрганиши<sup>9</sup>, шунингдек, подшохларнинг куч-қудрати тафсилотларини кундалик тарзда кунма-кун ёзib бориши лозимлигини таъкидлайди. Элчилар дастлаб Самарқандга, Улугбек Мирзо хузурига борадилар. Хуросон элчиларига Самарқандда Суюргатмиш Мирзо элчилари, амир Шоҳмалик элчиси ва Бадахшон шоҳининг элчилари келиб қўшилади. 1420 йил 25 фавралда элчилик хитойлик элчилар билан биргаликда Хитойга қараб йўл олади<sup>10</sup>.

Темурийлар салтанати элчилари 1420 йилнинг 25 фавраль ойида Хитой элчилари билан бирга Самарқанддан йўлга тушиб, Тошкент, Сайрам ва Ашпара орқали шу йилнинг 25 апрелида Мўғулистан худудига ўтадилар. Ўша даврда Мўғулистан худудида ҳокимият масаласида сиёсий келишмовчиликлар кучайган давр бўлиб, Увайсхон билан Шер Муҳаммад Ўғлон ораларида адоват юзага келган эди. Шу важдан Мўғулистан худудига қадам босган Темурийлар салтанати элчилари таҳликага туша бошлайди. Бироқ, Мўғулистанда катта мавқега эга бўлган дуғлат амирларидан Худойдод элчилар хузурига келиб, уларга ҳеч қандай хавф таҳдид солмаслигини айтиб, сафарларини давом эттиришлари мумкинлигини таъкидлайди. Элчилар 1420 йилнинг 10 июнида Юлдуз яйловига<sup>11</sup>, 1420 йилнинг 11 июлида Турфонга, 16 июлида Қорахожага етадилар. 21 июлда эса Хитой императори томонидан юборилган маҳсус гурух келиб элчиларнинг номларини ёзib олади. Шу тариқа элчилар секин-аста йўл юриб, Хитой шаҳарларидан бирига етиб келадилар. Шундан сўнг, элчилар ҳар куни бир манзилда тўхтаб, улар шарафига уюштирилган зиёфатларда қатнашиб, Хитой пойтахтига етиб келадилар. Ушбу элчилик тафсилотлари Фиёсiddин Наққош томонидан қаламга олинган бўлиб, қизиқарли маълумотларга эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади<sup>12</sup>.

Фиёсiddин Наққошнинг берган маълумотларига кўра, Шоҳрух томонидан юборилган элчилар Хитой императори томонидан катта хурмат ва эътибор билан кутиб олинади. Хитойликлар одатига кўра, Шоҳрух Мирзо ва унинг фарзандлари ҳамда амирларининг Хитой ҳукмдорига йўллаган мактублари бир парча сариқ атласга ўраб, императорга тақдим этилади. Хитой ҳукмдорининг Темурийлар салтанати элчилари билан сухбати, асосан, ўша давр дипломатиясининг талабига биноан Шоҳрух Мирзонинг ҳол-аҳволини сўраш билан бошланиб, сўнгра Темурийлар ҳукмдорига жиддий хавф солиб турган Қора Юсуф ҳақида сўз кетади ва унинг Ҳиротга мол юбориш юбормаслиги ҳақида сўралади. Шунингдек, Қора Юсуфга элчи юбориш масаласи ҳам билдирилиб, гўёки туркманларда яхши отлар бўлиши рўйач қилинади<sup>13</sup>. Афтидан, бу билан Хитой императори ғарбда содир бўлаётган сиёсий вазиятдан хабардор эканлигини нозик дипломатик йўналишда англатмоқчи бўлган.

Йўллар тинчлиги ҳақида сўраган ҳукмдорга элчилар «Агар Султон Шоҳруҳдан ҳукм бўлса, йўллар бехавотирдир» деган жавобни берадилар. Афтидан, бу билан элчилар Қора Юсуф ва Хитой давлати ўртасида сиёсий алоқалар ўрнатилиши Шоҳрух Мирзога боғлиқлигига ишора қилганлар. Ўз навбатида, Хитой императори «буни мен тушунаман» шаклида жавоб қайтаради, ҳар холда бу билан у элчилар айтмоқчи бўлган «нозик» маънони англағанини билдиримоқчи бўлган.

Хитойга юборилган Темурийлар элчилари 1422 йили Ҳиротга етиб келган. Хуллас, Шоҳрух давридаги Хитой билан олиб борилган сиёсий муносабатлар дўстона бўлиб, асосий

<sup>9</sup> Мамажонова М. Тарихнавис Абдураззок Самарқандий Бойсунғур Мирзо ҳақида// Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. - Б. 37-38.

<sup>10</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсiddин Наққошнинг Хитой сафарномаси. - Тошкент: Фан, 1991. - Б. 10-13.

<sup>11</sup> Юлдуз яйлови - XXR таркибидағи Шинжонг Уйғур автоном районидаги Тяншан (Тангритоғ)нинг шимолида, Хайдин-гол дарёсининг юқори ҳавзасида жойлашган ҳозирги Кичик Юлдуз яйлови. К.: Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 128.

<sup>12</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсiddин Наққошнинг Хитой сафарномаси. - Б. 24.

<sup>13</sup> Ўша асар - Б. 26.

эътибор савдо-иктисодий муносабатларга қаратилган эди. Жумладан, Чжу-ди (1404-1424) ҳукмронлиги даврида савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши учун бир қатор солиқ ва божлар бекор қилинган. Натижада мамлакатлар ўртасидаги ички ва ташки савдо ривожланган. Савдо соҳасидаги бундай ислоҳатлар Шоҳрух Мирзо бошқараётган салтанатда ҳам мавжуд эди. Чунончи, Шоҳрух Мирзо томонидан Хитой ҳукмдорига юборилган мактубда ҳам ташки савдонинг ривожланишида ҳар икки томоннинг ҳамкорлик қилиши, савдогарлар учун қулийликлар яратилиши доимо таъкидланган.

Икки давлат ҳукмдорлари ўртасидаги совға алмашинувларида кўп ҳолларда Шоҳрух Мирзодан Хитой императорига от, қоплон, шер каби Хитойда катта талабга эга бўлган ҳайвонлар юборилар, Хитой императори эса, Шоҳрух Мирзо ва унинг элчилари га шунқорлар ҳадя қиласидаги қилинган. Чунончи, Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотга кўра, 1409 йили Ҳиротга келган элчиларга Сайид Аҳмад Тархон Хитой шоҳига атаб тўриқ от юборади. Бу от Хитой шоҳига шу даражада маъқул бўладики, у ўз элчиларидан Сайид Аҳмад Тархонга атаб кўплаб совғалар юборади. Шунингдек, Сайид Аҳмад Тархонга юборилган совғалар орасида бир расм бор бўлиб, унда Хитой шоҳига тухфа қилинган ўша отнинг жиловини икки тарафдан икки ахтаки тутиб турганлиги тасвириланган эди.

Темурийлар салтанати элчиларнинг Хитойга бориш йўллари қуидагича йўналишларда эди:

Хитойга бориш йўли: Хитой - Балх - Калиф кечуви - Самарқанд - Тошкент - Сайрам - Мўғулистан - Кичик Юлдуз - Турфон - Қорахожа - Кумуш - Қоравул (Цзяйю-гуань), яъни Хитой чегараси - Сунжу (Цзюцзюань) - Қамжу (Чжанье) - Қорамурон (Хуанже) дарёси - Ҳуснобод (Лангжоу) - Жандинбу (Чжендин) - Хонбалиқ (Пекин).

Хитойдан қайтиш йўли: Хонбалиқ - Қорамурон дарёси - Ҳуснобод - Қамжу - Сунжу - Қоравул - Хўтсан - Ёркент - Кошғар - Андижон довони.

Бу ерда элчилар кичик гурухларга бўлиниб, бир гурухи Фаргона водийси орқали Самарқандга, иккинчи гурух Бадаҳшонга, учунги гурух Қоратепа - Ҳисори Шодмон - Термиз - Балх орқали Ҳиротга йўл олган<sup>14</sup>.

Тадқиқотчи Н.Э.Каримованинг аниқлашича, 1403-1449 йиллар оралиғида, яъни 46 йил мобайнида Хитойга Самарқанддан 33 марта, Ҳиротдан эса 14 марта элчилар келиб кетадилар<sup>15</sup>. Дарвоке, қарийб эллик йилни ўз ичига оловчи бу даврнинг асосий қисмида Темурийлар салтанати тепасида Шоҳрух Мирзо турган бўлиб, Хитойга мазкур элчиликларнинг жўнатилиши бевосита ёки билвосита мазкур ҳукмдор ташаббуси билан амалга оширилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Хитой билан олиб борилган савдо-элчилик муносабатлари ўзининг юқори палласига кўтарилиди. Мазкур элчилик алоқаларининг ривожланиши натижасида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий-тижорий муносабатлар ўсди. Шоҳрух Мирзо ва Хитой императори аввало тиҷорий соҳанинг ривожланишига эътибор қаратдилар. Ҳудуд устидан назорат қилиш, қайсирид давлатга қарши сиёсий ўйинларда иштирок этиш, ҳарбий соҳада иттифоқ тузиб, бошқа давлат устига юриш уюштириш мақсади икки давлат ўртасидаги элчилик алмашинувларида кузатилмади. Бу эса ҳар иккала давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликка замин яратиб, савдо ишларининг ривожланишига катта таъсир ўтказди.

Шоҳрух Мирзо томонидан моҳир дипломатларни чет элларга, шу жумладан, ўша даврда дунёнинг йирик давлатларидан бири бўлган Хитойга йўлланилиши, Темурийлар салтанати манфаатига хизмат қиладиган ишларни амалга оширилишига туртки бўлди. Бу

<sup>14</sup> Амир Темур жаҳон тарихида... - Б. 106-107.

<sup>15</sup> Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. – № 7. - Б. 48.

даврда Хитой ва Темурийлар орасида ўрнатилган алоқалар фақат иқтисодий эҳтиёж туфайли бўлмай, балки салтанат халқаро обрўсининг янада ошишига хизмат қиласади. Буни яхши англаган Шоҳруҳ Мирзо бу алоқаларга катта эътибор қаратган.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Насирова, С. А., Хашимова, С. А., & Рихсиева, Г. Ш. ВЛИЯНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ КИТАЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ. *Ответственный редактор*, 162.
2. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
3. AMANOV, K. (2015). THE MATTER OF DIVIDING AGES IN HISTORY OF TURKIC OFFICIAL METHOD. *Turkish Studies (Elektronik)*, 10(12), 57-68.
4. Khalmurzaeva, N. T. (2020). Peculiarities of intercultural understanding in Uzbek and Japanese verbal communication. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1473-1481.
5. Хашимова, С. А. (2020). ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТИВНЫХ ГЛАГОЛОВ ПРИ ПОМОЩИ СУФФИКСАЦИИ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура: сборник материалов XI-й международной научно-практической конференции/Под ред. проф. Абуевой НН Махачкала: ДГТУ. 391 с* (p. 361).
6. Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). THE ORIGIN OF AN OFFICIAL TURKIC STYLE AND ITS PLACE IN THE DEVELOPMENT OF A WRITTEN LITERARY LANGUAGE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 45-49.
7. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
8. OMOROV, Q. (2014). ORTA ÇAĞA AİT TÜRKÇE RESMİ YAZILARDA SÖZCÜK SEÇME MESELESİ. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (52), 257-268.
9. Халмурзаева, Н. Т. (2020). Типология японского коммуникативно-делового этикета. *Вестник науки и образования*, (14-2 (92)), 26-30.
10. Хашимова, С. А. (2020). ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТИВНЫХ ГЛАГОЛОВ ПРИ ПОМОЩИ СУФФИКСАЦИИ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура: сборник материалов XI-й международной научно-практической конференции/Под ред. проф. Абуевой НН Махачкала: ДГТУ. 391 с* (p. 361).
11. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated nonsignificant using suffixing in the modern Chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.
12. Насирова, С. А. (2020). Генезис общественно-политической терминологии китайского языка через призму истории китайской дипломатии. *Modern Oriental Studies*, 2(2), 22-33.